30 КУН ИЧИДА МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДА ТОЗАЛАШНИ, ОБОДОНЛАШТИРИШНИ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАМАГАН МФЙ РАИСИ ИШДАН КЕТАДИ

Фарғона шаҳри маҳаллаларида ўрганиш ишларини олиб бораётган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, шаҳардаги Қодирий массиви ҳудудида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Вилоят ва шаҳар секторлари раҳбарлари билан биргаликда ҳудудни айланган вилоят раҳбари, Қодирий массивидаги маҳаллаларда ҳудуднинг қаровсизлиги, ободонлаштириш ишларининг йўлга қўйилмаганлиги, ўзбошимчалик билан қуриб олинган вақтинча кичик иншоотларнинг ҳамда майдонларни ноқонуний девор билан ўраб олиш ҳолатларининг мавжудлиги, уйларнинг ташқи фасадлари таъмирталаб ҳолатда экани, гаражларнинг тартибсиз шаклда ўрнатиб ташлангани юзасидан танқидий муҳокама ўтказди.

Вилоят раҳбари, ҳудудда тозалов, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тезкор ташкил этиш, ноқонуний қурилмаларни буздириб ташлаш юзасидан маҳалла раислари ва участка нозирларига қатъий топшириқ берди.

Шаҳар секторлари раҳбарларига кўп қаватли турар-жойлар ҳовлиларида тартибсиз жойлаштирилган автомобиль гаражларини олдириб ташлаш ҳамда ҳар бир ҳудудда режали асосда гаражларни тартибли жойлаштириш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси юклатилди.

Хайрулло Бозоров, вилоят бўйлаб амалга оширилаётган 30 кунлик ободонлаштириш ва кўкалашзорлаштириш ойлиги даврида ўз маҳалласида бу борада тартибли ишни йўлга қўймаган маҳалла раиси вазифасидан озод этилишини маълум қилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-02-19 15:19:04